



## SPECIFIC ASPECTS OF EXPOSING EXTORTION CRIMES

**Makhkamov Jonibek Maavlanovich**

Employee of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of  
Uzbekistan, Doctor of Philosophy in Legal Sciences

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18107696>

### ARTICLE INFO

Received: 25<sup>th</sup> December 2025

Accepted: 30<sup>th</sup> December 2025

Online: 31<sup>st</sup> December 2025

### KEYWORDS

*Extortion, racketeering, operational-search, investigation, financial analysis, interdepartmental cooperation, cyberattack, hybrid approach, special programs.*

### ABSTRACT

*The article provides a comparative analysis of modern practices for detecting and combating extortion-related crimes (traditional extortion, racketeering, as well as modern forms of extortion in the cyber environment: ransomware, sextortion) using examples from the USA, EU countries, India, and CIS countries. The UN/UNODC's advisory calls against cyber-extortion were examined. Based on the analysis, practical recommendations were developed for improving operational-search activities, preventive measures, and interdepartmental cooperation. The main focus is on the necessity of uniting bodies specializing in combating extortion, cooperating with the private sector, and exchanging information internationally.*

## ТОВЛАМАЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРИГА ФОШ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

**Махкамов Жонибек Маавланович**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ходими, юридик фанлар бўйича  
фалсафа доктори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18107696>

### ARTICLE INFO

Received: 25<sup>th</sup> December 2025

Accepted: 30<sup>th</sup> December 2025

Online: 31<sup>st</sup> December 2025

### KEYWORDS

*Товламачилик, рекет, тезкор-қидирув, тергов, молиявий таҳлил, идоралараро ҳамкорлик, киберхужум, гибрид ёндашув, махсус дастурлар.*

### ABSTRACT

*Мақолада товламачилик билан боғлиқ жиноятларни (анъанавий товламачилик, рекет, шунингдек, кибермуҳитдаги замонавий товламачилик шакллари: ransomware, sextortion) фош этиш ва уларга қарши курашишнинг замонавий амалиётлари АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Ҳиндистон, МДҲ давлатлари мисолида қиёсий таҳлил қилинган. БМТ/UNODCнинг кибертовламачиликка қарши тавсиявий характердаги чақирувлари кўриб чиқилди. Таҳлиллар асосида тезкор-қидирув,*



*профилактик ва идоралараро ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Асосий эътибор товламачиликка қарши курашишга ихтисослаштирилган органларни бирлаштириш, хусусий сектор билан ҳамкорлик қилиш ва халқаро ахборот алмашиш зарурлигига қаратилган.*

Товламачилик жабрланувчига ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчининг ахборот ресурсини йўқ қилиш, ўзгартириш, эгаллаб олиш ёки тўсиб қўйиш ёки жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш, уни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш билан қўрқитиб ўзгачан мулкни ёки мулкнинг ҳуқуқни топширишни, мулкнинг манфаатлар беришни ёхуд мулкнинг йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўзининг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш ҳаракатларини ўз ичига олади<sup>1</sup>.

Сўнгги беш йилликда товламачилик билан боғлиқ жиноятлар икки томонлама хусусият касб этди: бир томондан - анъанавий кўринишда (шахсий босим, уюшган жиноий гуруҳларнинг “ҳомийлиги остида”, тизимли рекет), бошқа томондан - рақамли кўринишда (маълумотларни шифрлаш ва товон пули талаб қилиш, шахсий маълумотларни ошкор қилиш билан таҳдид қилиш). Уларга қарши курашиш ИИО ходимларидан гибрид (икки шаклга мос келувчи) ёндашувларни талаб қилади: яъни бугунги замон товламачилигига қарши курашишда анъанавий тезкор-қидирув фаолияти ҳаракатлари билан замонавий инновацион ёндашувларни уйғунлаштириб қўллаш олиш билими ва кўникмаларини эгаллашни талаб этади.

Бунда товламачиликка қарши курашишдаги самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун рекетга қарши курашиш тажрибасига эга мамлакатлар (Италия, МДХ мамлакатлари) ва рақамли товламачиликни фожия қилиш бўйича тажрибали давлатлар (АҚШ, Европа), шунингдек, халқаро ёндашувларни (UNODC, Европа Иттифоқи) ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Бугун жамиятда товламачиликка қарши курашиш муҳим ижтимоий аҳамиятга эга вазифалардан бири бўлиб, унга қарши курашишни биз турли мамлакатлар (Буюк Британия, Франция, Германия, АҚШ, Ҳиндистон, МДХ ва Марказий Осиё давлатлари) тажрибасини ўрганиш орқали таҳлил қилишимиз мумкин.

Юқорида кўрсатилган ривожланган мамлакатларда интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда тез тарқалаётган ва доимий равишда ўзгариб турадиган жиноят турларидан бирини, яъни кибер-товламачиликни кўриб чиқамиз.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 165-моддаси, <https://lex.uz/docs/111453#262684>



Адабиётларда бу “кибершантаж” деб ҳам аталади. Бу муаммо трансмиллий хусусиятга эга бўлиб, хорижий давлатларда унга катта эътибор қаратилмоқда<sup>2</sup>.

Касперский лабораториясининг маълумотларига кўра, 2021 йилнинг биринчи чорагидаёқ 3596 та ҳавола мобил троян-товламачи дастурлари эканлиги аниқланган<sup>3</sup>. Group-IB ташкилоти баҳолашича, бугун дунёда товламачи дастурлар фаолиятдан кўрилган умумий зарарнинг энг паст чегараси 1 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган<sup>4</sup>.

Товламачиликнинг замонавий кўриниши ҳақида анча вақт олдин илмий изланишлар олиб борган Т.М. Лопатина айтганидек, кибер-товламачилик эпидемияси аста-секин интернет маконини эгаллаб бормоқда ва яқин келажакда бу турдаги жиноятчилик рақамли хавфсизликка энг жиддий таҳдидлардан бирига айланиши мумкин<sup>5</sup>.

Ўзбекистонда товламачилик жиноятларини фош этишни яхшилаш учун республикадаги мавжуд ТҚФ амалиётини инобатга олган ҳолда аниқ ва амалга ошириладиган тавсиялар ишлаб чиқиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Шу сабабдан биз томонимиздан товламачилик билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш бўйича айрим хорижий давлатлар тажрибалари ўрганиб чиқилди:

Европа мамлакатларида товламачилик кўпинча уюшган жинойи гуруҳлар ва жинойи тузилмалар (мафия) билан алоқадор бўлади. Ҳозирда Буюк Британияда асосий эътибор бизнесни ҳимоя қилиш ва кибермуҳитдаги товламачиликка (cyber extortion) қарши курашишга қаратилган бўлиб, бунда махсус Project Sentinel ва Cyber Protect дастурлари ёрдамида кибертаҳдидларни эрта аниқлаш ва полициянинг хусусий дастурлаш компаниялари билан ҳамкорлигини таъминлаш йўлга қўйилган<sup>6</sup>. Ушбу кибертовламачиликка қарши курашиш дастурларнинг асосий вазифаларидан бири бу “муайян бадал талаб қилувчи вирус”ларга қарши курашиш ҳисобланади.

Эътиборли жиҳати Буюк Британия давлатида кибертовламачиликка қарши курашишни фақатгина ХМҚОлар олиб бормади балки ушбу дастурларни яратаётган компаниялар ҳам муайян ҳақ эвазига бўлсада товламачиликка қарши курашишда асосий кўмакчилардан биридир. Шунингдек, давлат органлари ҳам бу каби киберхужумларга қарши турувчи дастурларни яратувчи компанияларни қўллаб қувватлаш бўйича манфаатдор ҳисобланади.

Францияда товламачиликка қарши курашишга кўмак берувчи шахсларни рағбатлантириш мақсадида 2025 йилнинг 13 июнида жиноят кодексининг 312<sup>6</sup>-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра уюшган гуруҳ таркибида товламачилик содир этишга уринган ҳар қандай шахс маъмурий ёки суд

<sup>2</sup> Лопатина Т.М. Кибершантаж как средство условно-цифрового вымогательства // Вопросы правоведения. 2014. № 4 (26). С. 288–298.

<sup>3</sup> Чебышев В. Развитие информационных угроз в первом квартале 2021 года. Мобильная статистика. URL: <https://securelist.ru/it-threat-evolution-q1-2021-mobile-statistics/101595/> (дата обращения: 01.06.2021).

<sup>4</sup> В Group-IB рассказали об ущербе от атак вирусом-шифровальщиков // ТАСС. URL: <https://tass.ru/ekonomika/10092623>

<sup>5</sup> Лопатина Т.М. Условноцифровое вымогательство, или кибершантаж / Т.М.Лопатина // Журнал российского права. — 2015. — № 1(217). — С. 118–126. — DOI 10.12737/7255. — EDN THASGT.

<sup>6</sup> Буюк Британия полиция органларининг расмий сайти <https://www.met.police.uk/cyberprotect>.



органларини хабардор қилиб, жиноят содир этилишининг олдини олса, жазодан озод этилади. Уюшган гуруҳ таркибидаги товламачиликнинг бажарувчиси ёки иштирокчисига белгиланган озодликдан маҳрум қилиш муддати, агар у маъмурий ёки суд органларини хабардор қилиш орқали жиноятнинг тўхтатилиши, ўлим ёки доимий ногиронликнинг олдини олса ёки тегишли ҳолларда бошқа бажарувчилар ёки иштирокчиларнинг шахси аниқланишига ёрдам берса жазо учдан икки қисмга қисқартирилади. Агар жазо сифатида умрбод қамоқ жазоси тайинланган бўлса, бу муддат йигирма йиллик озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштирилади<sup>7</sup>.

Италия мисоли ўзига хосдир, чунки бизга маълум “Италия мафияси” мунтазам равишда товламачилик ва рекетдан фойдаланган ҳолда жиноятлар содир этиб келган. Италияда уюшган жиноятчиликнинг узоқ тарихи мавжуд бўлиб, у уюшган жиноятчилик ва товламачилик ўртасидаги ўзига хос муносабатлар ҳамда сўнгги 25 йил ичида ҳукумат томонидан уюшган жиноятчиликка қарши қабул қилинган ноёб чоралар билан ажралиб туради. Италия фуқаролик жамияти институтларини жалб қилиш орқали товламачиликка қарши курашишда ўзига хос тажрибага эга. Айнан шу сабабли Италияда ишлаб чиқилган товламачиликка қарши сиёсат алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, ушбу вайронкор ҳодисага қарши курашишда энг яхши амалиёт намунаси сифатида хизмат қилиши мумкин.<sup>8</sup>

Италия қонунларига кўра, ким зўравонлик ёки таҳдидлар орқали бошқа бировга зарар қилишга ёки қилмасликка мажбурлаш йўли билан ўзига ёки бошқаларга ноҳақ фойда келтирса ва бу билан бошқаларга зарар етказса, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум этилади ҳамда 1000 евродан 4000 еврогача жарима тўлайди. Агар оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланса, жазо олти йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки 5000 евродан 15000 еврогача жарима тўлашдан иборат бўлади<sup>9</sup>.

АҚШда товламачилик жисмоний ва кибертовламачиликни қамраб олган 18 U.S.C. § 1951 (*Hobbs Act*) қонуни билан тартибга солинади. ФҚБ амалиёти шуни кўрсатадики, товламачилик ишларининг очилиши киберкриминалистика, молиявий таҳлил ва агентура разведкасининг интеграциясига боғлиқ бўлиб унга қарши курашиш учун идоралараро гуруҳлар ташкил этилган (*Joint Terrorism Task Force* ва *Financial Crimes Task Force*). Улар коммуникациялар, транзакциялар ва таҳдидларни тезкор таҳлил қилиш ва жинорий схемаларни фош этиш бўйича ишлайди. АҚШда ҳам бошқа ривожланган мамлакатлар каби янги тус олаётган “товламачи дастурлар” тушунчаси остидаги “вирус” дастурлар кенг тарқалмоқда.

*Товламачи дастурлари – қурилмадаги файлларни шифрлаш орқали уларни ва улар билан боғлиқ тизимларни ишлатишга яроқсиз қиладиган зарарли дастурий таъминотнинг доимий ривожланаётган шаклидир*<sup>10</sup>.

<sup>7</sup> <https://justice.pappers.fr/loi/LEGITEXT000006070719/article/LEGIARTI000051742421>

<sup>8</sup> [chrome-extension://efaidnbmnnnibpcajpcglclefindmkaj/https://www.transcrime.it/wp-content/uploads/2017/07/ProjectCEREU-ProjectReader\\_eng.pdf](chrome-extension://efaidnbmnnnibpcajpcglclefindmkaj/https://www.transcrime.it/wp-content/uploads/2017/07/ProjectCEREU-ProjectReader_eng.pdf)

<sup>9</sup> Италия расмий сайти, Italy.countering extortion racketeering: the Italian experience.

<sup>10</sup> <https://www.cisa.gov/stopransomware/resources>



Бунда, жинойтчилар дастлаб вирус файлларни турли кўринишда юбордилар, жабрланувчи уларни очмоқчи бўлиб юклаб олгандан сўнг унинг қурилмаси ишдан чиқади, натижада улар унга турли йўллар билан алоқага чиқиб унинг қурилмасини қайта тиклаш эвазига тўлов талаб қилишади. Агарда тўлов амалга оширилмаса, товламачилар уларнинг умумий ёки аутентификация маълумотларини сотиш ёки ошкор қилиш билан таҳдид қилишади<sup>11</sup>.

Товламачилик дастурларининг ҳужумлари тобора кенг кўламли, мураккаб ва тез-тез содир бўлиб, бугун бутун дунё ҳукуматлари, компаниялари ва шахслар уларнинг қурбонига айланмоқда. 2020 йилда товламачилик вируслари билан боғлиқ тўловлар ҳажми 400 миллион доллардан ошган бўлиб, бу 2019 йилга нисбатан тўрт баробарга кўп бўлган. 2024 йилда эса бу кўрсаткич 1 миллиард доллардан ошган. АҚШ ҳукуматининг ҳисоблашича, бу тўловларни киберҳужумлар келтириб чиқарган иқтисодий зарарнинг озгина қисми бўлса-да, улар технологиядан шахсий манфаат учун қурол сифатида фойдаланишга интилаётганларнинг мақсадларини кўрсатиб беради: Тўланган миллион-миллион долларлик тўловлар ва тиклаш харажатларидан ташқари, молиявий хизматлар, соғлиқни сақлаш ва энергетика каби муҳим тармоқларнинг ишдан чиқиши ва махфий маълумотларнинг ошкор этилиши каби жиддий зарарларни келтирган<sup>12</sup>.

АҚШда кибертовламачиликка қарши курашиш мақсадида махсус стратегик давлат дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, “Миллий хавфсизликка оид кибержинойтлар ёки кибержинойтлардан фойдаланган ҳолда содир этилган жинойтларни тергов қилиш одил судлов қўлланмасининг 9-50.105-бандига кўра, CCIPS, CHIP тармоғи, NSD ва NSCS тармоқлари кибержинойтчилик ва кибержинойтчиларга қарши курашиш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда бир-бирини қўллаб-қувватлайди”<sup>13</sup>.

Конгресс томонидан 2022 йилда қабул қилинган “Муҳим инфратузилмаларга қилинган киберҳужумларга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун (CIRCSIA) асосида ташкил этилган идоралараро орган – *Товламачи дастурларга қарши курашиш бўйича ҳамкорликдаги ишчи гуруҳи (JRTF)* киберҳужумларнинг тобора кучайиб бораётган хавфига қарши курашишдаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида тузилган.

АҚШнинг “StopRansomware Guide” расмий сайтида киберҳужумга учраганлар учун аниқ тавсиялар келтирилган, буларга зудликда маълумотларни захиралаш, қурилмани бошқариш, ҳужум кучини камайтириш ва махсус чақирувларга жавоб бериш каби йўриқномавий ҳаракатлар келтирилган. Кибертовламачиликка учраган жабрланувчи ёки ташкилот ушбу сайт орқали федерал органларга хабар беради (IC3 ёки ФБИнинг маҳаллий бўлими орқали) ва ёрдам олади.

Ҳиндистонда бугун интернет орқали товламачилик ҳолатлари, сохта иловалар ва видео морфинг (*шахсий маълумотларни тарқатиш таҳдиди*)дан жабрланган шахслар полициянинг махсус кибер-бўлимларига мурожаатлари

<sup>11</sup> Ўша ерда

<sup>12</sup> <https://home.treasury.gov/news/press-releases/jy0364>.

<sup>13</sup> <https://www.justice.gov/criminal/criminal-ccips/criminal-division-strategic-approach-counteracting-cybercrime>



кўпаймоқда<sup>14</sup>. Ҳиндистон амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, бу мамлакат товламачиларга қарши мақсадли операцияларни қўллаган ҳолда товламачиликнинг янги шаклларига (*рақамли шантаж*) қарши курашишда тезкор чоралар кўрмоқда.

Хусусан, 2025 йилнинг август ойида Канпур шаҳри полицияси Ер мафияси ва товламачилик тармоқларига қарши кенг кўламли кураш доирасида “Маҳакал” операциясини ўтказган. Бу операциянинг мазмуни товламачиликка қарши қаратилган бир ойлик сафарбарлик бўлиб унинг асосий мақсади ерларни ноқонуний эгаллаб олиш ва товламачилик йўли билан шуғулланувчи шахсларни аниқлаш ҳамда уларга нисбатан қонуний тартибда чора кўришга қаратилган.

Бу операция икки босқичдан иборат бўлиб: *биринчи* босқич товламачилик қурбонларидан шикоятларни тўплаш ва текшириш, *иккинчиси* эса бу жиноятларга қарши курашишга қаратилган аниқ ҳаракатларни амалга оширишни ўз ичига олган. Ушбу ойлик доирасидаги дастлабки жиноят ҳақидаги ариза Жажмау полиция бўлимида қайд этилган бўлиб, аризачи, Жажмауда истиқомат қилувчи Соҳиб Анвар, номаълум шахслар ижтимоий тармоқларда унга тухмат қилиб, пул талаб қилганини айтиб полицияга мурожат қилган. Шундан сўнг полиция ҳолат юзасидан суриштирув ишларини бошлаган.

Бу бир ойлик компания нафақат бевосита жиноятчиларга, балки уларнинг тизимли ҳамкорларига ҳам қаратилган. Ташаббуснинг эътиборга молик жиҳати шундаки, унинг натижаси ўлароқ, бундай жиноий тармоқларга кўмаклашаётган давлат хизматчиларининг қилмишлари ҳам фош этилади. Ойлик доирасида полиция жамоатчиликлари ОАВ орқали мурожаат қилиб, асосли шикоятлари бўлган фуқаролар мурожаат қилишларини сўрайди ҳамда барча айбдорларга, уларнинг таъсири ва мавқеидан қатъи назар, тез ва қатъий чоралар кўрилишини кафолатлайди. Ойлик давомида Канпур солиқ хизмати, Канпурни ривожлантириш бошқармаси, шаҳар корпорацияси, транспорт департаменти ва ФХДЁлар тафтиш қилинган<sup>15</sup>.

Назаримизда ҳам Ҳиндистон тажрибасидан келиб чиқиб Ўзбекистонда ҳам товламачиликка қарши курашиш ойлиги ёки ҳафталикларини ўтказиб туриш мақсадга мувофиқдир, зеро товламачилик латент характерга эга жиноятлардан бири бўлиб ойлик доирасида бу каби жиноятдан азият чекиб юрган лекин муайян сабабларга кўра ИИОларига мурожат қилолмаётган жабрланган фуқароларни жалб этиш мақсадида ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш бўйича тарғибот ва ташвиқотлар ўтказиш юқори самара бериши мумкин.

Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Белорусда товламачиликка анъанавий равишда уюшган жиноятчилик, “рекет” ва зўравонлик билан таҳдид қилиш билан боғлиқ жиноят сифатида қаралади. Асосий эътибор тезкор-қидирув фаолияти ёрдамида ушбу жиноятни фош этишга қаратилган бўлиб, уни агентура, тезкор, махсус ва техник тадбирлар ёрдамида фош этишга қаратилади. Бунда жиноий

<sup>14</sup> The Times of India Sharh веб сайтидан олинган маълумотлар

<sup>15</sup> <https://timesofindia.indiatimes.com/city/kanpur/kanpur-cops-launch-op-mahakal-against-land-mafia-extortionists/articleshow/123149997>



гуруҳларга тезкор киритиш, ниқобланган операциялар, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборот олиш, турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини, техник ва транспорт воситаларини текшириш, шунингдек, сўров, маълумотлар тўплаш, тезкор кузатув, назорат остида олиш, тезкор эксперимент ва бошқа тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

МДХ мамлакатларидан Қозоғистон Республикасида бу каби товламачилик ҳолатлари кўп учраб туради, 2020 йилда Қозоғистон чегара ҳудудидаги Туркистон вилояти жиноят қидирув полицияси бошқармаси ходимлари Миллий хавфсизлик қўмитаси ходимлари билан ҳамкорликда ҳайдовчилардан пост орқали Ўзбекистонга ўтиш учун 15 мингдан 50 минг тенгегача (40-134 доллар) пул талаб қилган “Сариағач” уюшган жиноятчи гуруҳини қўлга олган, манбада айтилишича агарда ҳайдовчилар пул тўлашдан бош тортган тақдирда, мазкур гуруҳ аъзолари уларни калтаклаш, автомобилларининг олд ойналарини синдириш ва ғилдирак шиналарини тешиш билан таҳдид қилишган. Тезкор ходимлар гумонланувчиларни яшаш жойларида жами 13 кишини ҳибсга олишган бўлиб, уларнинг барчаси Туркистон вилояти маҳаллий аҳолиси бўлган<sup>16</sup>.

Қозоғистон олимлари Т. Скородумова ва С.Ж. Смоилова сингари биз ҳам товламачилик жиноятини МДХга аъзо давлатлар жиноят қонунчиликларининг таҳлили мисолида кўриб чиқамиз, чунки бу ҳозирги кунгача ҳуқуқшунослар ўртасида бу жиноятни талон-торож деб тан олиш борасида кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. масалан, Қирғизистон<sup>17</sup> қонунчилиги товламачиликни бир вақтнинг ўзида ҳам талон-торож ҳам бошқа ғаразли жиноят турига киритади.

Ўзбекистон<sup>18</sup> ва Тожикистон<sup>19</sup> қонунчилигида эса бу қилмиш фақат талон-торожнинг бир тури сифатида қаралади. Қозоғистон<sup>20</sup>, Озарбайжон<sup>21</sup>, Россия<sup>22</sup> ва Беларус<sup>23</sup> жиноят кодексларига кўра, товламачилик талон-торож деб тан олинмайди, балки мулкка қарши мустақил жиноят таркиби ҳисобланади.

Россиялик олим Т.В. Колесникованинг фикрига қўшилган ҳолда шуни таъкидлашимиз керакки, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари товламачиликнинг

<sup>16</sup> <https://daryo.uz/uz/2020/02/25/qozogiston-chegarasida-ozbekistonga-otish-uchun-pul-undirgan-bezorilar-qolga-olindi>

<sup>17</sup> Уголовный кодекс Кыргызской Республики (Введен в действие Законом Кыргызской Республики от 28 октября 2021 года № 126)

<sup>18</sup> Уголовный кодекс Республики Узбекистан от 01 апреля 1995 года <https://lex.uz/docs/111457>.)

<sup>19</sup> Уголовный кодекс Республики Таджикистан от 21 мая 1998 года № 574 (с изменениями и дополнениями по состоянию на 14.05.2025 г.)

<sup>20</sup> Уголовный кодекс Республики Казахстан от 3 июля 2014 года № 226-V ЗРК.

<sup>21</sup> Уголовный кодекс Азербайджанской Республики от 30 декабря 1999 года № 787-IQ (с изменениями и дополнениями по состоянию на 11.04.2025 г.)

<sup>22</sup> Уголовный кодекс Российской Федерации от 13.06.1996 N 63-ФЗ (ред. от 17.11.2025)

<sup>23</sup> Уголовный кодекс Республики Беларусь 9 июля 1999 г. № 275-3 Источник: <https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=hk9900275> – Национальный правовой Интернет-портал Республики Беларусь



ўзига хос усуллари ва белгилари ҳақидаги маълумотлар базаларини шакллантириши ва мунтазам янгилаб бориши, вазиятни таҳлил этиши ҳамда жиноятчилик ҳолатининг ўзгаришларини прогноз қилиши лозим<sup>24</sup>.

Юқорида биз томонимиздан кўриб чиқилган илғор малакатларнинг товламачиликка қарши курашиш тажрибаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, *биринчидан*, АҚШ ва Буюк Британия тажрибаларини Ўзбекистонда секин асталик билан жорий этган ҳолда жиноятчиликка айниқса кибертовламачиликка қарши курашишда хусусий секторни қўллаб қувватлаш орқали унинг улушини босқичма-босқич ошириб бориш керак, чунки бу бизга товламачиликка қарши курашишни кучайтириш имконини беради.

*иккинчидан*, вақтида мафиянинг ўчоғи бўлган Италия тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда ҳам товламачилик жиноятларига қарши курашишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини янада кучайтириш тавсия этилади.

*учинчидан*, Ҳиндистон тажрибасининг ижобий жиҳатларидан бири бўлган товламачилик жиноятига қарши курашишнинг долзарб ойлигини жорий этиш. Бу Ўзбекистондаги товламачилик билан боғлиқ латент жиноятлар кўламини камайтиришга хизмат қилади.

### References:

1. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 165-моддаси, <https://lex.uz/docs/111453#262684>;
2. Лопатина Т. М. Условноцифровое вымогательство, или кибершантаж / Т. М. Лопатина // Журнал российского права. — 2015. — № 1(217). — С. 118–126. — DOI 10.12737/7255. — EDN THASGT;
3. Чебышев В. Развитие информационных угроз в первом квартале 2021 года. Мобильная статистика. URL: <https://securelist.ru/it-threat-evolution-q1-2021-mobile-statistics/101595/> (дата обращения: 01.06.2021);
4. В Group-IB рассказали об ущербе от атак вирусом-шифровальщиков // ТАСС. URL: <https://tass.ru/ekonomika/10092623>;
5. Лопатина Т. М. Условноцифровое вымогательство, или кибершантаж / Т. М. Лопатина // Журнал российского права. — 2015. — № 1(217). — С. 118–126. — DOI 10.12737/7255. — EDN THASGT.;
6. Буюк Британия полиция органларининг расмий сайти <https://www.met.police.uk/cyberprotect>;
7. <https://justice.pappers.fr/loi/LEGITEXT000006070719/article/LEGIARTI000051742421>;
8. chrome-extension://efaidnbmnnnibpcajpcglclefindmkaj/https://www.transcrime.it/wp-content/uploads/2017/07/ProjectCEREU-ProjectReader\_eng.pdf;

<sup>24</sup> Колесникова Т. В. Прогнозирование и анализ ситуаций в деятельности правоохранительных органов по борьбе с вымогательством / Т. В. Колесникова, О. В. Шутило // Вестник Волжского университета им. В.Н. Татищева. — 2022. — Т. 1, № 2(101). — С. 235–247. — DOI 10.51965/20767919\_2022\_1\_2\_235. — EDN NBKXPN.



9. Италия расмий сайти, Italy.countering extortion racketeering: the Italian experience;
10. <https://www.cisa.gov/stopransomware/resources>;
11. <https://home.treasury.gov/news/press-releases/jy0364>;
12. <https://www.justice.gov/criminal/criminal-ccips/criminal-division-strategic-approach-counter-cybercrime>;
13. <https://timesofindia.indiatimes.com/city/kanpur/kanpur-cops-launch-op-mahakal-against-land-mafia-extortionists/articleshow/123149997>;
14. Колесникова Т. В. Прогнозирование и анализ ситуаций в деятельности правоохранительных органов по борьбе с вымогательством / Т. В. Колесникова, О. В. Шутило // Вестник Волжского университета им. В.Н. Татищева. — 2022. — Т. 1, № 2(101). — С. 235–247. — DOI 10.51965/20767919\_2022\_1\_2\_235. — EDN HBKXPN;
15. <https://daryo.uz/uz/2020/02/25/qozogiston-chegarasida-ozbekistonga-otish-uchun-pul-undirgan-bezorilar-qolga-olindi>
16. Уголовный кодекс Кыргызской Республики (Введен в действие Законом Кыргызской Республики от 28 октября 2021 года № 126);
17. Уголовный кодекс Республики Таджикистан от 21 мая 1998 года № 574 (с изменениями и дополнениями по состоянию на 14.05.2025 г.);
18. Уголовный кодекс Республики Казахстан от 3 июля 2014 года № 226-V ЗРК;
19. Уголовный кодекс Азербайджанской Республики от 30 декабря 1999 года № 787-IQ (с изменениями и дополнениями по состоянию на 11.04.2025 г.);
20. Уголовный кодекс Российской Федерации от 13.06.1996 N 63-ФЗ (ред. от 17.11.2025);
21. Уголовный кодекс Республики Беларусь 9 июля 1999 г. № 275-З Источник: <https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=hk9900275> – Национальный правовой Интернет-портал Республики Беларусь.